

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ



ASLIGA TO'G'RI

Ди. Ассоф

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЊНАВИЙ - МАЃРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

2
2021

FALSAFA va HAQQ
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

ЁШЛАРДА “ОДАТ”ЛАНИШ АҲЛОҚИ

Мирзахмедов Х.А. -
НамДУ таянч докторанти,

Жамиятни демократлаштириш, стратегик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва маънавият-маърифат омилини тараққиётнинг бевосита юксалтирувчи кучига айлантириш янгича тафаккур ва интеллектуал салоҳиятни талаб этади. Ўзбек халқининг қадимий миллый тарбия “технология”лари шаклланиб, аждодлардан авлодларга ўтишда сайқалланган, авлодларни бебаҳо мероси урф-одатларда сақланиб қолиши ижобий ходисадир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, «... Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва мурувват, табаррук кексаларимизни зиёрат қилиш, ногиронлар, ёрдамга муҳтоҷ инсонлар ҳолидан хабар олиш, ҳашарлар ўтказиб, юртимизни янада обод қилиш....»ни миллый одат сифатида тиклашни таъкидлаган.

Глобаллашув ҳаёт лавҳаларининг жадаллашуви мамлакатимиз ҳаётида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тезлаштириб юборди. Ахборот коммуникацияларини интеграциялашуви эса ижтимоий – маънавий ҳаётилизда “Оммавий маданият” никоби остида янгича одат ва тарбия “орнаментлари”ни муомалага киритмоқда. “Оммавий маданият” – миллый қадриятлар, маънавият ва маданиятимизга таъсир этиб, ўзлимиздан айришга бўлган янги хавф туғдирмоқда. Натижада ёшлар аҳлоқида ўзбек ҳалқи одат ва анъаналари, ижтимоий қадриятларига нисбатан “бегоналашув” жараёнини кузатиш мумкин. Бегоналашув – инсоннинг ижтимоий – иқтисодий, маданий ҳаётини қулайлаштиришга интилиш туфайли ўз атрофидаги қадрли бўлган нарса-буюм, жараён, кимсаларга муносабатини маънавий қийматини ўзгаришида намоён бўлишидир.

Социологик тадқиқотлар тажрибаси сифатида ёшларнинг кайфияти ва ижтимоий эҳтиёжлари енгил, қулай, осон ҳазм бўлувчи, сифатсиз, ташқи ялтироқ, мазмунан саёз, миллый маънавият ва қадрият, аҳлоқ меъёрларига зид бўлган заарли ва ҳатто хатарли адабиёт ва ахбротлар таъсирига боғланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Биз ёшларнинг табиий маънавий эҳтиёжларнинг трансформациялашуви жараёнини даврий асосда ўрганиб, замонавий ёшлар ижтимоий ҳаётида илм-фан, таълим ва тарбия, спорт, меҳнат феноменининг ижтимоий ноchorлашуви, “маданий банкрот” ҳолатини гувоҳи бўлмоқдамиз. Бошланғич кузатишларда ёшлар ўз ҳаётида ижобий одатлардан кўра, “Оммавий маданият”га доир мусиқа, комекс, фильм томоша қилиш, ижтимоий тармоқда бесамар вакт ўтказишига одатланиш орқали тарбия технологияларини шакллантиришга доир фикрларни уйғотади. Шу боисдан мамлактимиз ёшларининг масофали таълимида ижодкорлик, меҳнатсеварлик, жисмоний соғломлаштириш тарбиясига ўтказиш учун “одатлантириш технология”сини таълим сиёсати даражасига кўтарилиш заруриятга айланмоқда.

Мамлакатда камолга етаётган ёш авлодни ёмон одатлар, иллатлардан асраласлик – аслида давлат келажагини барбод қилиш билан баробар. Глобаллашув даврида эса бундай фожия бутун дунё давлатлари ривожига, келажагига бирдек таҳдид солиб, ёшларнинг бўш вақтини ташкил этишда “одат”ланиш тарбиясини ривожлантириш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим масала ҳисобланади.

“Одат” атамаси ўлкамизда зардуштийлик давридан “муқаддас ҳатти-ҳаракат” ёки феъл-авторнинг такрорланувчан, катъийлик хусусиятига эга бўлган жамоавий ва индивидуал одоб ҳисобланган. Одат авлодларни боғловчи ўзига хос ворисийлик хусусияти билан илоҳийлаштирилган. Бу хол шахс ҳаётида эзгулик ва ёвузлик, яхши ва ёмон одатларни феъл-авторда намоён бўлиши, тарбия эса эзгуликни одатлантиришга қаратилган. Тарбия деганда кўп ҳолатларда авлодларни одат ва анъаналарни бардавомлигини таъминлашни ҳам назарда тутади. Ижтимоий тарбия диний одатларни назоратини ўрнатиш, оиласда эса урф-одатларга фарзандларни “одатлантириш” ва ўргатиш услуби ила турмуш қоидасига айлантирилган. Ёвузлик одатларидан каттаю-кичикни муҳофазалашда тан жазоси оммавий ва шахсий

тартибда амалга оширилган. Натижада тарбия ижобий феъл-автор мөъёрлари одатга айланиб кетганки, у давлат қонунларидан ҳам кучли хисобланиб, “Тарки одат амри маҳол” ҳикматида ҳам ифодаланган.

Миллий луғатларда “Одат” - (араб.) عادت таомил, ўрганиш, малака, одатланиш маъно-мазмунларида берилган. Одат (ёки урф-одат) - кишиларнинг турмушига сингиб кетган феъл-авторнинг умумий қабул қилинган тӯғри яшаш, ҳалол-поклик дастурий йўналишидир. Масалан, кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб ховлини, эшик тагини супуриб, тартибга келтириш, меҳмонларга алоҳида хурмат кўрсатиш, байрам арафасида қариялар, касал, ночор, кийналган кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, кўшниларнинг юмушларига ёрдам бериш, хашарга бориш кабилар ўзбек ҳалқига хос яхши одатлар хисобланади. Одатларни шартли равишда шахсий (индивидуал), оиласиб ва миллий (ёки умумхалқ) кабиларга бўлиш мумкин .

Одат (психология) - ўрганиш бўлиб қолган ва муайян вазиятда бажариш индивид учун эҳтиёжга айланган ҳатти-ҳаракат ҳисобланади. Эрталаб болага юз-кўлни ювишни қаттий тартибга айлантириш болада у одат стихияли тарзда шаклланиб, характернинг барқарор хусусиятига айланади, автоматизм белгиларига эга бўлади. Одатнинг физиологик асоси, малака каби, динамик стереотип, яъни бош мия катта ярим шари пўстлоғидаги нерв системасининг бошқарув тизимида ўрнашади.

Одат инсон ҳәётининг барча соҳалари (турмуш, ўқув, меҳнат, ижод, спорт кабилар)да намоён бўлади. Инсон ҳатти-ҳаракатининг барча томонлари (ахлоқи, билиш жараёни, маданий-маиший турмуши ва бошқалар)ни қамраб олади. Одат диний ёки дунёвий бўлиб, инсон шахсида улар бир-бирини тўлдиради. Фойдали одатларга – тонгда туриш ва жисмоний машқлар, илмий мутолаа -билимдонлик, эзгулик ўзгаларга фойдали ҳатти-ҳаракатлар; зааралиларига - тамаки чекиши, спиртли ичимликлар ичиши, муайян бир ишни охирига етказмаслик кабилар киради .

Одатлар кўп ҳолатда миллатнинг алоҳида этник қисми, касб-кор, жинс ва ёшларга хос бўлиши ҳам мумкин. Фойдали одат шахснинг жамоавий турмуш билан боғлаши ижобий ҳислат сифатида шакллантирилади. Жумладан, ёшларни меҳнатга қобиллиги, касб-корларни тез эгаллаши, уларда меҳнатсеварликни одатга айлантиради. Натижада фарзандлар бўш вақтни самарали ўтказиши билан бир томондан ахлоқий, иккинчи томондан нафосат тарбиясини ўзига юксалтиради. Фикримизча ижтимоий тарбияда заарли иллатлар “гуноҳ” сифатида қораланиб, одатланишни олдини олинган. Масалан, вақтни беҳуда ўтказишдан дангасалик, ишни охирига етказмасликдан иродасизлик “ёмон” дея баҳоланган. Одат тусини олган ҳатти-ҳаракатлар кишига мустаҳкам сингиб, унинг табиатига - фазилати ёки иллатига айланади. Ёшлидан ижобий одатларни таркиб топтириб, салбий одатларга қарши курашиш таълим-тарбиянинг муҳим вазифасидир . Ижтимоий ҳаётнинг таълим соҳасида одатланиш тушунчаси тартиб -интизом мазмунида ҳам қўлланилган. Болани ҳар куни мактаб талаби, уй-вазифаларини бажариши назорат ила боланинг турмуш тартиби, одатига айлантиран. Шу боис ота-она назоратисиз ҳам бола юқори синфларда мустақил ўз билимларини барқарор юксалтира олган.

Бола тарбиясида миллатимизнинг анъанавий тарбиясида унутилаёзган “одатлантириш” услубини бобо ва бувиларимиздан мерос эканидан уни қайта тиклаш ғоясини социал тарбияда қўллаш лозим деб ҳисоблаймиз. Айни вақтда фарзанд тарбиясида Шарқ ҳалқлари фозиллик тарбиясини эринмай қайта ва қайта болага ўргатиш туфайли болада бажариш “расмийлашади”. Натижада бола энди ота-она ундовисиз ҳам ишни ихтиёрий бажаради. Зеро эрта туриб юз-кўлни ювишни, бадан тарбия қилиш, ижод қилиш, китоб ўқиши ўзига хос ақлий меҳнатга ҷоғласа, ўзидан катталарга салом бериш, дастурхонда покизалик, ўзининг жойини билиш, таомланишга ёшга эътибор бериш, таом ва чой ичишда қайси кўл билан бошлаш каби ахлоқий тартибларга риоя этиш - одатланиш ўзга жамоаларда ўзгаларни ранжитмай муҳитни юмшатади. Бобо ва бувилардан фарқли ёш ота-оналарнинг фарзанд тарбиясида бу масалада

“оқсаси”, айниқса ўзларида ҳам тарбияга мұхтожлик, болага ўрнак ва намуна омили ҳам ёшлар феъл-авторида нохуш ҳатти-харакатларига сабаб бўлмоқда.

Социологик тадқиқот натижаси, хорижий давлатлар тажрибаси ёшлар таълим-тарбиясида оиласи одал механизмни ижтимоий ахлоқка таянишини тасдиқламоқда. Шу сабабли, ёшлар тарбиясида бош ақл ва илмга тўлиб тошса ҳам, ахлоқни сира унутмаслик керак: инсон ўзидағи маънавий жиҳатларни, виждан ва нафсни тарбиялаши, эҳтиросини бошкара олиши, хунук одатларни тарқ этиши, илмий ютуқларини инсоният фойдасига йўналтириши керак.

Бундай фазилатларга эга бўлмоқ учун инсоннинг иродасини тоблайдиган, рухини поклайдиган, эътиқодини мустаҳкамлайдиган аждодларимизнинг маънавий меросидан ўз ўрнида самарали фойдаланиш асосида авлод тарбиясини йўлга қўйиш масаласида таникли файласуф олим, академик Эркин Юсупов миллий тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини одатлантириш бўйича қўйидагича гурӯхлаштирган эди:

- миллий тарбияда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;
- ёшларга миллий мерос ва қадриятларни ўргатиш;
- кишиларнинг ҳалол меҳнат қилишга, ишбилармонлик ва тадбиркорликка ихлосмадлигини ошириш;
- ёшларда миллий ғурур туйғусини тарбиялаш;
- таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш.

Устоз Э. Юсупов миллий тарбиянинг бу хусусиятлари замонавий таълим тизими билан муштарак бўлган тақдирдагина самарали натижа беришига ургу берган эди.

Биз таклиф этаётган “одатлантириш технологияси” бугунги дунё мамлакатлари таракқиёт эволюцияси, унга таъсир қиладиган технологик жараёнлар, ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий-мағкуравий таҳдидларнинг глобаллашуви шароитида “одат иммунитети” сифатида ёшларни ҳимоя этувчи восита бўлиши ҳам мумкин.

Интеллект, ақл-заковатнинг қучи, муайян шахснинг билиш иқтидори ахборотлашган жамиятда таъсир моҳиятини англай олишида кўринади. Демак, ёшларимизнинг мустақил фикри ва дунёқараш шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувини билиб олишга одатлантириш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён – атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, даҳлдорлик туйғуси билан яшашга одатлантириш, бугунги кундаги энг муҳим вазифадир. Факат ана шу йўл билангина ёш авлодни муносаб авлод сифатида ғоявий мураккаб бўхронли ҳолатидан ҳимоялаш мумкин. Республикаиз истиқболи, энг аввало, ўз Ватанига содик, мард ва фидойи, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлган, замонавий фан-техника ютуқларини мукаммал эгаллаган, бир сўз билан айтганда, авлодларнинг одат ва анъаналарига садоқати билан ҳам белгиланмоқда.

Айнан шу мақсадда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшларнинг хуқуqlari тўғрисидаги ҳалқаро конвенция, ҳамда «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган маҳсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: «Бугун Ўзбекистонда янги авлод пайдо бўлаётганини дунё тан олмоқда. Бу авлодни ота ва онанинг миллий макомида оила қуришга тарбиялаш - ҳалқни келажагини таъминлаш демакдир».

Юксак ўзгариш ва ислоҳотлар даврида янги авлодлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этиши билан соғлом эътиқод, нафосат тарбияси оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солиш, оиласи бағрикенгликни шакллантириб миллий барқарорликка олиб келиш билан миллий одатлантириш ғоямизни мустаҳкамлайди.

Одатлантириш тарбия услуги "оила, мактаб-ўқувчи" тизимида ҳамкарликни тақозо этиб, ота-оналарнинг болаларнинг кундалиқ олган билимларини назорат этиш, ўзлаштиришда амалий ёрдам кўрсатишни кўзда тутади. Зоро, тарихан ота-оналар болаларни кундалиқ тутиши, унда ижобий баҳоларнинг ҳолатига қараб мактаб билан алоқага чиқиши, фарзандини

предметларни ўзлаштиришига қизиқиши умумий қабул қилинган одат эди. Айни вактда ота-оналар фарзандларининг рағбатида ҳам мактаб таълимидағи ўзлаштириш ўзига хос мезон қилиб олиниши тарбия самарадорлигини таъминлаган.

Жамиятимизда ёшларнинг енгил-елпи санъат, турли бачкана қилиқ ва ҳатти-харакатлардан асраш, соғлом фикр, соғлом күч устувор бўлиши учун ёшлар тарбиясига давлат сиёсати миллат дарди сифатида қараши мунтазам ўйлаган ҳолда иш олиб боришимиз зарур.

АДАБИЁТЛАР:

- Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б.374.
- Усмон Хосил. Одатнома. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2016, 360 б.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада ўзбек халқи миллий тараққиётида тарбия фалсафаси шахснинг комиллиги одатланиш “технология”сида шакллантирилиб, ажоддларнинг авлодлар билан узвий боғлаган омил экани исботланган.

Калит сўзлар: Ёшлар, одатлантириш, урф-одат, тарбия, трансформация, “оммавий маданият”, технология, миллий қадриятлар.

РЕЗЮМЕ:

В статье обоснована философия воспитания молодёжи узбекского народа, как фактора, связывающего поколения.

Ключевые слова: Молодежь, обычай, традиция, воспитание, трансформация, “массовая культура”, технология привыкание, национальные традиции.

RESUME:

The philosophy of education in the national progress of the Uzbek people was formed on the basis of customs as a factor connecting generations.

Keywords: Youth, custom, tradition, education, transformation, "mass culture", technology habituation, national traditions.

МУНДАРИЖА:

1. Тўйчиев Б.Т.	Ўзбекистонда илк Ренессанс даври онтология таълимотига оид бир манба ҳақида (Абу Райхон ал-Берунийнинг эътиrozлари" мисолида)	2
2. Топилдиев В.Р.	Фуқаролик қонунчилигида ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари ва уларни таснифлаш мезонлари	6
3. Норқулов С.Д.	Ижтимоий онг ва баркамол авлодни шакллантириши	12
4. Кобзева О.П.	Международное научное сотрудничество	16
5. Азимов Х.И.	Буюк ғалаба йўлида Ўзбекистонликларнинг фронт ортидаги матонати	19
6. Кадирова Х.Б.	Музейларда –акс этган тарих	23
7. Махмудова Х.Т.	Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишида суд-психологик экспертизасининг аҳамияти	27
8. Камилов Ф.О.	Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириши истиқболлари	30
9. Каримов Б.	Меҳр тушунчасининг назарий таҳлили	34
10. Файзиев О.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишилаш жараёнларида ахборот технологияларини кўллаши масалалари	39
11. Агзамходжаева С., Кубатов Ш.	Личность и основные этапы развития «Я» в человеке в процессе осознания философии религий	43
12. Степанова О.И., Абдуллаханова Г.С.	Социологический анализ онлайн и онлайн обучения.	47
13. Хусанова Х.Т.	Ўзбекистонда аҳолининг эҳтиёжсанд қатламларини қўллаб-қувватлаш тизимида раҳамли технологиилар	51
14. Хушвақова Н.	Оилани ўрганишининг хориж тажрибаси	55
15. Отакулов Ш.	Гендер тенглил сиёсатига амал қилишининг инновацион ёндашувлари	59
16. Қандов Б.М.	Замонавий жасамиятда гендер тенглигини таъминлаш – устувор вазифа сифатида	63
17. Базарбаева Г.М.	Қорақалпоқ ҳалқ достонлари вужудга келишидаги даврлаштириши олимлар нигоҳида	67
18. Абдуназаров С.И.	Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг маънавий-мағкуравий механизmlарини тадқиқ этиши	71
19. Ахмедова Д.О.	Хотин-қизлар меҳнат миграциясининг ижтимоий оқибатларини илмий ўрганилиши	75
20. Shukurov A.Sh.	Virtuallahuv –bu yangicha dunyoqarash.	78
21. Обидов А.Ш.	Ижтимоий-маданий муносабатлар тизимида диний толерантлик генезиси	82
22. Каримов Р.Р.	Трансформации экзистенциальной философии XX века	86
23. Раҳимджанова Д.С.	Европа фалсафасида "Эркинлик" тушунчасининг фалсафий таҳлили	90
24. То'xtayeva M.	İtmat al-Buxoriy ilmiy merosining Islom olamida tutgan o'rni	93
25. Ахмедов А.М.	Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали ташкил этишида "Электрон ҳуқумат" тизимининг ўрни	97
26. Қалқонов Э.Т.	Ватанпартварлик эътиқод ва хатти-ҳаракатнинг бирлиги сифатида	101
27. Худойназаров О.	ОАВларининг ёшлар маънавий қиёфасига таъсири	105
28. Абдумаликов И.А.	Лизинг фаолиятини амалга оширувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари	109
29. Қаюмов Қ.	Кичик шаҳарлар инфратузилмасида ижтимоий сиёсатни ривожлантиришининг устувор жиҳатлари	113
30. Алимухамедова Н.Я.	Ғарб фалсафасидаги "миллат" тушунчаси: субъектив ёндашув	116
31. Шоимов А.	Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатининг янгича ифода топishi	120
32. Атавуллаев М.	Инсон ҳуқуқлари ва миллий-ҳуқуқий тизимдаги модернизация жараёнлари	124
33. Ҳожиев Р.Б.	Баркамол авлодни тарбиялаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг устувор йўналиши	128
34. Нуриддинов С.Б.	Хитойнинг «Бир макон - бир йўл» ташаббусининг ўзига хос ҳусусиятлари	132
35. Саидов С.А.	Ибн Муқаффанинг "ал-Адаб ал-Кабир" асарида комил инсон гояси	136
36. Нишонов С.Ж.	Хусайн Воиз Кошифий мукаммал жасамият барпо этиши ва комил инсонни шакллантириши тўгрисида	139
37. Қаршиев Н.	Қўтпартиявилик тизими ва унинг фуқаролик жасамиятини шаклланишидаги аҳамияти	143

38. Мирзахмедов Х.А.	<i>Ёшларда “одат”ланиши ахлоқи</i>	146
39. Йроҳимов Ф.А.	<i>Yevropa faylasuvlari ijodida begonalashuv masalasi</i>	150
40. Ҳакимова М.А.	<i>Жамоат ташкилотлари – ҳалқ манфаатлари йўлида</i>	154
41. Ҳолмуродов Ф.	<i>Инновацион жасамиятда ижтимоий шерикчилик омилиниң таҳлили</i>	158
42. Ярбаев Х.Х.	<i>Ахборотлашган жасамиятда баркамол авлод таълим-тарбияси</i>	162
43. Утегенова Ж.Д.	<i>Виртуал воқеъликнинг иерархик даражалари</i>	166
44. Мамадиева Н.Х.	<i>Миллий санъатимиизда ахлоқий ва эстетик гоялар уйғунлиги</i>	170
45. Топилдиева М.Р.	<i>Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида юксалиши одимлари</i>	173
46. Отабаев А.	<i>Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан модернизациялаши даврида институционал янгиланишлар.</i>	176
47. Закирова Д.Т.	<i>Шаҳс ва жасамият маънавий омилини мустаҳкамлашда Ислом ахлоқий қадрияларининг аҳамияти</i>	180
48. Норматов О.М.	<i>Туркистон ўлкасида районлаштириши давридаги иқтисодий муносабатлар</i>	184
49. Аиваров А.	<i>Глобаллашув жараёнлари ва сиёсий маданият</i>	188
50. Нарзуллаев О.С.	<i>Ҳудудий ички ишлар органларида ахборот-таҳлилий иш ва уни тақомиллаштириши масалалари</i>	191
51. Соқиев Х.В.	<i>Глобаллашув шароитида ахборот трансформациясининг идентификацион жараёнларга таъсири</i>	196
52. Равшанов О.	<i>Ёшларга доир давлат сиёсатининг айрим жиҳатлари</i>	200
53. Эркинов И.Э.	<i>Электрон ҳуқумат тизимининг шаклланиши ва ривожланиши</i>	204
54. Рахмонов Б.М.	<i>Глобаллашув жараённида Марказий Осиё минтақаси этносиёсати</i>	209
55. Исмайилов А.З., Холмүминов Ф. Б.	<i>Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатчиликни барто этиши гоялари тарихи</i>	213
56. Ахмедов А.	<i>Рақамли иқтисодиётининг маънавий омилларини мустаҳкамлаш имкониятлари</i>	217
57. Шарипов А.З.	<i>Гуманизм гоясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили</i>	221
58. Муқимов Б.	<i>Маънавий ислоҳотлар мамлакат тараққиётни ва таълим ривожини таъминлашнинг муҳим омилидир</i>	225
59. Улфатиллаева С.С.	<i>Имом ал-Бухорий таълимотида аёллар билан боғлиқ ҳадисларнинг фалсафий герменевтик таҳлили</i>	229
60. Афоризмлар	<i>ФАЛСАФА: ЯНГИЧА МЕЗОНЛАР (фалсафа фанлари доктори, профессор Ибодулла Эргашев)</i>	233